

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

УЎК: 528.9:004

ОПТИМАЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ ВА АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Юсупов Эркин Джураевич,
иқтисодиёт фанлари доктори,
«Агробизнес ва инвестицион фаолият» кафедраси мудири

Тошкент давлат аграр университети

Аннотация. Мазкур мақолада аграр тармоқда олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий ўйналиши ёки фермер хўжаликларини ривожлантириш борасида амалга оширилган иирик иқтисодий-маъмурий тадбирлардан бири фермер хўжаликлари ва уларнинг ер майдонлари ўлчамини оптималлаштиришнинг натижалари таҳлил қилинган ҳамда мазкур муаммони ҳал қилиш бўйича муаллифнинг назарий ёндаувлари очиб берилган.

Таянч сўзлар: иқтисодий ислоҳот, мулкий ислоҳот, фермер хўжаликлари ер майдонлари ўлчами, оптимал ўлчам, оптималлаштириш, оптималлаштириш мезонлари, ер ажратиши меъёрлари, кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқарши тамоиллари.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ОПТИМИЗАЦИИ И МЕХАНИЗМЫ РЕАЛИЗАЦИИ

Юсупов Эркин Джураевич,
доктор экономических наук,
заведующий кафедрой «Агробизнес и инвестиционная деятельность»

Ташкентский государственный аграрный университет

Аннотация. В данной статье проанализированы основные направления реформ, проводимых в аграрном секторе, а также эффективность реализации хозяйственно-управленческих мер по развитию фермерских хозяйств, в том числе результаты оптимизации размеров земельных участков фермерских хозяйств. Даны теоретические и практические рекомендации по решению данной задачи.

Ключевые слова: экономическая реформа, реформа собственности, размер земельных участков фермерских хозяйств, оптимальный размер, оптимизация, критерии оптимизации, нормы землеотвода, принципы расширенного воспроизводства.

THEORETICAL FEATURES AND MECHANISMS OF OPTIMIZATION

Yusupov Erkin Dzhuraevich,
Doctor of Economics,
Head of the Department "Agribusiness and Investment"

Tashkent State Agrarian University

Annotation. This article analyzes the main directions of reforms carried out in the agricultural sector or as one of the main economic and management measures carried out for the development of farms and the results of optimizing the size of their land plots, as well as the author's theoretical positions on solving this problem have been provided.

Keywords: economic reform, property reform, size of farm land plots, optimal size, optimization, optimization criteria, land allocation norms, principles of extended reproduction.

Кириш

Кейинги даврларда аграр тармоқда олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий йўналиши ёки фермер хўжаликлари ни ривожлантириш борасида амалга оширилган йирик иқтисодий-маъмурий тадбирлардан бири уларнинг ер майдонлари ўлчамини оптималлаштириш эканлиги мазкур масаланинг ўта жиддий назарий-илмий эканлигини кўрсатади. Мазкур муаммонинг қанчалик даражада ўта жиддий эканлигини кейинги ўн йилликда бу борада олиб борилган маъмурий ислоҳотларнинг натижалари тўлалигича исботлайди. Фермерлик фаолияти бошланган дастлабки йилларда ташкил топган аксарият фермер хўжаликларида ер майдонлари ҳажмининг кичиклиги маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллиги ўсиши ва барқарор фойда олишга тўс-қинлик қилди. Натижада иқтисодий аҳволи ночор фермер хўжаликлари ўзларини зарур техника воситалари ва айланма маблағлар билан таъминлаш ҳамда банкдан кредит олиш учун гаров таъминоти қўйишга имконияти етмади, шунингдек, олинган қарз мажбуриятларини қоплаш учун тўловга қобиллик (ликвидлик) даражасига эга бўлмади.

Оптималлаштириш масалалари бўйича тадқиқот олиб борган иқтисодчи олимлар ушбу муаммо бўйича ўз хulosаларини турлича мезонларга кўра ифодалаган. Аграр иқтисодий фанлар асосчиларидан бири А.В. Чаянов ҳар доим ҳам қишлоқ хўжалигида субъектлар ўлчамларининг асосиз оширилиши кутилган натижага бермаслигини таъкидлаган. Яъни унинг хulosасига кўра, “қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг табиати (хусусиятлари – муаллиф изоҳи)” унинг кенгайишига чек қўяди. Шунинг учун қишлоқ хўжалигида катта хўжаликларнинг кичикларига нисбатан устунликлари миқдорий жиҳатдан ҳеч қачон кескин катта бўлмайди” [2].

А.А. Кобозевнинг фикрига кўра, фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим

омилларидан бири бўлган хўжаликнинг ишлаб чиқариш тармоқ таркибини оптималлаштириш қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва тармоқлар ўлчамини тўғри танлаш ҳисобланади. Унинг хulosалари оптималлаштириш ер майдонлари ўлчамлари билан ҳеч қандай боғланиш хусусиятига эга эмаслиги билан ажralиб туради [4].

Н.К. Измоденова фермер хўжаликлари оптимал ўлчамлари устида олиб борган тадқиқотлари натижасида қуидаги хulosага келган: “Иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида хўжаликларнинг оптимал ўлчами табиий иқлим, географик шароит, экиннинг биологик хусусияти ҳамда бошқа хусусиятларга бевосита боғлиқ” [2].

Юқоридаги олимлар ёндашувлари таҳлилидан хulosaga қилиш мумкинки, фермер хўжаликлари оптимал ўлчамлари муаммоси ягона битта фермер хўжаликлари ер майдонлари ўлчамлари асосида белгиланадиган категория ҳисобланмайди. Бизнинг фикримизча, бу муаммо назарий тадқиқотлар олиб боришини, бунда бир томонлама ёндашувни инкор қилган ҳолда, биринчидан, устувор ижтимоий масала бўлган аҳоли бандлиги муаммосини ҳал қилиш, иккинчидан, фермер хўжалиги фаолиятини бозор тамойиллари асосида олиб боришини таъминлаш, учинчидан, ушбу хўжаликни унинг аъзолари учун оиласвий бюджет даромадларини шакллантиришнинг асосий манбаси бўлиши каби омиллардан келиб чиқсан ҳолда ёндашувни талаб қилади.

Мамлакатимизда оптималлаштириш жараёни бошланган ўтган давр мобайнида фермер хўжаликларининг шаклланган ўлчамлари улар ўз харажатларини ўзи қоплаш ва фойда билан фаолият юритиш, даромадларини муттасил барқарор ошириб бориш сингари бозор иқтисодиёти тамойилларига мос тушмади. Шундан келиб чиқсан ҳолда, хукуматимиз томонидан такрор ва такрор фермер хўжаликларининг ер майдонла-

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

рини тұлиқ инвентаризациядан ўтказиш, улар фаолиятини танқидий баҳолаш асосида фермерларга бириктирилған ер майдонларини оптималлаштиришга қаратылған чора-тадбирлар ишлаб чиқылыб, уларнинг ижроси таъминланиб келмоқда. Мазкур чора-тадбирлар факат маъмурий хусусиятга эга эканлиги боис ўн йил ичидә фермер хўжаликлари ер майдонларининг оптимал барқарорлашуви масаласи ўз ечимини топмаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 й. 9 январдаги 14-сон “Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин ерларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигига ер ва сув муносабатларини тартибга солиш, қишлоқ хўжалиги экин ер майдонларидан самарали фойдаланиш, соҳага инновацион технологияларни жорий қилиш, паст ҳосилли пахта ва ғалла майдонларини қисқартириш ҳисобига юқори даромадли, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш, давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид нархини ошириб бориш ҳисобига қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий барқарорлиги таъминланаётганлиги эътироф этилган.

Қарорда таъкидланганидек, эришилган ижобий натижалар билан бирга, қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишда қуидаги муаммолар мавжудлиги соҳани барқарор ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатмоқда:

биринчидан, ерларни ноқонуний ажратиш ва улардан хўжасизларча фойдаланиш ҳолатларига йўл қўйилмоқда, жумладан, 2018 йилда 2 638 та ҳолатда 16 447 гектар майдондан ноқонуний фойдаланилган ҳамда 1 502 та ҳолатда 28 427 гектар экин ерлари ноқонуний ажратылган;

иккинчидан, ерлардан, айниқса, суғориладиган ерлардан ноқонуний фой-

даланиш, шахсий манфаати йўлида якка тартибда уй-жой ёки бошқа бино ва иншоотлар қуриб олиш ҳолатлари ортиб бормоқда, жумладан, 2018 йил давомида республика бўйича 4062 ҳолатда 622 га ер майдони ўзбошимчалик билан эгаллаб олиниб, якка тартибда уй-жой ёки бошқа бино ва иншоотлар қуриб олингандиги аниқланган;

учинчидан, фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларининг контурлари кесимида экинларни жойлаштириш ва ҳосилдорликни белгилаш бўйича маҳаллий ҳокимликлар томонидан қабул қилинган қарорларнинг шаффоғлиги ва холисоналиги таъминланмаяпти. Бу эса айрим қишлоқ хўжалиги экинларининг шартномага нисбатан кўп ёки кам экилиши ҳамда ҳосилдорликнинг адолатсиз белгиланишига сабаб бўлмоқда;

тўртингчидан, қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан тупроқ унумдорлигини ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда замонавий ресурс тежамкор инновацион технологияларни кенг жорий этиш масалаларига эътибор қаратылмаяпти, жумладан, томчилатиб суғориш тизими бор-йўғи 43,1 минг га ёки жами суғориладиган майдоннинг атиги 1 % да жорий қилинган [1].

Давлат мулки бўлган ер майдонларидан самарали фойдаланиш, ер ажратиш ва экинларни жойлаштиришда шаффоғликни таъминлаш, ернинг экологик ҳолатини яхшилашга қаратылган замонавий инновацион ва ресурс тежамкор технологияларни кенг жорий этиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий ҳамда иқтисодий ҳолатини янада яхшилаш мақсадида фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига фаолият юритиши учун берилган ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш (оптималлаштириш) нинг навбатдаги босқичи ўтказилди.

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

1-жадвал

Оптималлаштириш натижасида фермер хўжаликлари ер майдонларининг ўзгариши динамикаси

Оптималлаштириш босқичлари	Бир фермер хўжалигига тўғри келадиган ўртача ер майдони, га				
	Ўртача	Пахтачилик ва ғаллачилик	Сабзавотчилик ва полизчилик	Боғдорчилик ва узумчилик	Чорвачилик
Оптималлаштириш бошлангунча (01.10.2008.)	27,6	37	10	3	154
01.01.2009. ҳолатига. (Президентнинг 06.10.2008. № Ф-3077 фармойиши)	56,5	92	25	6	170
01.01.2010 йил ҳолатига. (Президентнинг 22.10.2009. № Ф-3287 фармойиши)	62,4	84,5	19,1	9,5	162,2
01.01.2014. ҳолатига	80,1	101,1	25,6	15,3	183,2
25.05.2016. ҳолатига	22,3	55,2	4,0	2,8	29,0
25.02.2019. ҳолатига	48,1	98,1	11,4	13,7	29,4

Таҳлил маълумотларидан кўринмоқдаки, ўрганилаётган давр мобайнида барча соҳалар бўйича фермер хўжаликлири ўртача ер майдонларининг ўзгаришида барқарорлик кузатилмаяпти. Яъни оптималлаштириш бошлангунга нисбатан дастлабки эксперимент натижасида ер майдонлари ўлчами 27,6 гектардан 56,5 гектаргача ёки 2,1 марта; иккинчи босқичда 56,5 гектардан 62,4 гектаргача ёки 1,1 марта; учинчи босқичда 62,4 гектардан 80,1 гектаргача ёки 1,3 марта кўпайгани ҳолда, тўртинчи босқичга келиб, аксинча, 80,1 гектардан 22,3 гектаргача ёки 3,6 марта қисқарган; бешинчи босқичда яна 22,3 гектардан 48,1 гектаргача ёки 2,2 марта ортган. Худди шундай тенденцияни ихтисослик йўналишлари бўйича барча фермер хўжаликлари ер майдонларининг ўзгаришида ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, пахтачилик ва ғаллачилика 37 гектардан 101,1 гектаргача ёки 2,7 марта оралиғидаги; сабзавотчилик ва полизчилика 4,0 гектардан 25,6 гектаргача ёки 6,4 марта оралиқдаги; боғдорчилик ва узумчилика 2,8 гектардан 15,3 гектаргача ёки 5,5 марта оралиқдаги ҳамда чорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликларига биритирилган ер участкалари майдонларида 29,0 гектардан 183,2 гектаргача ёки 5,5 марта оралиқдаги кескин фарқла-

нишнинг келиб чиққанлиги ва аниқ бир қонуният шаклланмаганлиги муаммо ечимида маъмурий ёндашув қучлилигини исботлайди.

Аграр соҳада амалга оширилган мулкий-таркибий ислоҳотлар жараёнида хусусий мулкчиликка асосланган фермер хўжаликларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилиши натижасида тармоқда бутунлай янги хўжалик юритиш шакли сифатида вужудга келишдан бошлаб, асосий қишлоқ хўжалиги товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчилардан бирига айланган бўлса-да, айрим ривожланган мамлакатлардаги каби қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини мутлақ кўп асосий қисмини етказиб берувчи субъектга айланмаганлиги ҳам, биринчи навбатда, оптималлаштириш масаласининг назарий ёндашувларини ҳисобга олмаган ҳолда амалга оширилаётганлиги ҳисобланади ва мазкур масала бўйича маҳсус тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги 14-сон “Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин ерларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида қишлоқ

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

хўжалиги ерларидан фойдаланишда тизимли муаммолар мавжудлиги соҳани барқарор ривожлантиришга салбий таъсир этаётганлиги таъкидланиб, тегишли давлат идораларининг фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига фаолият юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллангани ҳолда, “Танловда асосий эътибор талабгор юридик ва жисмоний шахснинг ҳисоб варағидаги мажбуриятлардан озод бўлган мавжуд пул маблағлари мавжудлиги, талабгор ёки унинг оила аъзоларига тегишли яроқли қишлоқ хўжалиги техникалари борлиги, талабгорнинг етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспортга йўналтирганлиги, яратиладиган янги иш ўринлари сони, сўнгги уч йил давомида маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномаларнинг бажарилишига қаратилиши лозим”лиги қайд этилган [1].

Оптималлаштириш жараёнлари якунлари ва уларнинг натижаларини таҳлил қилиш орқали ҳамда мазкур масалага қайта-қайта мурожаат қилинаётганлигидан, унинг илмий асосга эга бўлмаган маъмурий оптималлаштириш хусусиятига эга эканлиги тўғрисида хulosса қилиш мумкин. Бундай хulosса тармоқлар бўйича белгилаб берилган ер участкаларини бириткиришнинг энг кам ўлчамлари миқдорини оптималлаштириш бўйича қўйиладиган талаблар мазмуни ва илмий ишланмаларга асосланмаганлиги билан изоҳланади.

Фермер хўжалигининг оптimal ўлчамларини ишлаб чиқиши қишлоқ хўжалигига банд ходимлар ҳисобига тўғри келаётган ер миқдорининг камайиб бораётганлиги билан бирга, унинг ҳар бир ҳудуднинг демографик ҳолатларини инобатга олиш лозимлиги каби зарурятларни келтириб чиқаради.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб таъкидлаш лозимки, ҳар бир фермер хўжалиги ўз фаолиятини ташкил қилишда унинг йўналишларини тўғри танлаши, хўжаликнинг оптimal ўлчамларини тўғри белгилаши, унинг келажакда самарали фаолият кўрсатиши, моддий ва молиявий омиллардан самарали фойдаланиш орқали бозор иқтисодиёти талаблари асосида ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаши лозим. Шахсий истеъмолга йўналтирилган даромад эса фермер хўжалиги аъзолари ва фермер оиласининг турмуш даражаси юқори даражада бўлишини таъминлаш каби муаммоларни бир вақтнинг ўзида ҳал қилиш зарурлиги муаммосини келтириб чиқаради [4].

Фермер хўжалигининг оптimal ўлчамларини аниқлашда ихтисослик йўналиши ва бир хўжаликка тўғри келадиган ер юкламасидан келиб чиқиб, бозор иқтисодиёти талабларини ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги мезонлардан асос сифатида фойдаланиш тавсия этилади:

1. Ҳудудлардаги демографик ҳолатни ҳисобга олиб, тармоқда банд битта ходимга белгиланган ер ажратиш меъёллари;

2. Фермер хўжалиги маблағларининг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш тамойиллари асосида фаолият кўрсатиш учун етарли бўлиши;

3. Аъзолар учун ушбу хўжалиқдан олинадиган даромад улар оиласи даромадининг асосий қисмини ташкил этиши;

4. Бириткирилган ер майдонларидан юқори самара билан фойдаланишни таъминлаш.

Фермер хўжаликларининг оптimal ўлчамларини аниқлашда “нисбий иқтисодий самарадорлик” услубидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Юқорида сабаб ўтилган мезонлардан келиб чиқсан ҳолда, у қуйидаги кўринишга эга бўлади:

ДФХ	ПТ	Х РД	МАХ
ИСТС	Х	ЭМ	

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

бу ерда,

ДФХ – фермер хўжаликлари аъзоларининг ўртача ойлик даромади, сўм;

Истс – бир кишига тўғри келадиган бир ойлик истеъмол саватчаси қиймати, сўм;

Пт – ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотищдан олинган пул тушуми;

Эм – экин майдони, га;

Рд – ҳақиқий рентабеллик даражаси, коэффициент.

Таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжа-

лиги, шу жумладан, дехқончилик тармоқлари ўзига хос хусусиятлари билан бирбиридан ажralиб туради. Натижада маълум экин тури бўйича аниқланган оптимал ўлчам бошқа экин турига тўғри келмайди. Ушбу хусусият фермер хўжаликлари фаолиятига баҳо бериш ва оптимал ўлчамини аниқлашнинг «қиёсий баҳолаш услуби»дан фойдаланиш зарурлигини тақозо қиласди. Бу услуг қуйидагича кўринишга эга бўлади:

$$\frac{\text{ДФХ}}{\text{Истс}} \times \frac{\text{Рд}}{\text{Рдктич}} > 1,0$$

бу ерда,

Рд – ҳақиқий рентабеллик даражаси, коэффициент;

Рдктич – кенгайтирилган тақорор ишлаб чиқаришни таъминловчи

Рентабеллик даражаси, коэффициент.

Санаб ўтилган категориялар ва тавсия этилаётган методологик услуг нуқтаи назаридан оптимал ўлчамга чиқиш, асосан, икки омил таъсирида амалга ошади:

а) ҳосилдорлик даражасини ошириб

бориш;

б) битта фермер хўжалиги аъзосига тўғри келадиган экин майдони юкламасини ошириш.

Республикада фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг оптимал ўлчамлари ишлаб чиқилмаганлиги сабабли бир субъектга тўғри келадиган ўртача ер юкламасидан келиб чиқиб, пахтачиликка ихтисослашган хўжаликда З хил ҳосилдорлик варианлари бўйича қиёсий-иқтисодий самарадорликни аниқлаймиз:

$$25 \text{ ц/га: } 1536,8 / 2600 : 819000 / 18 \times 0,250 = 0,59 \times 45500 \times 0,250 = 6711,2$$

$$30 \text{ ц/га: } 1888,0 / 2600 : 982800 / 18 \times 0,283 = 0,72 \times 54600 \times 0,283 = 11126,2$$

$$35 \text{ ц/га: } 2690 / 2600 : 1146600 / 18 \times 0,340 = 1,024 \times 63700,0 \times 0,340 = 22394,2$$

Ҳисоб-китоб натижаларига қўра, **таққосланаётган уч вариантдан** нисбатан юқори қиёсий самарадорлик кўрсаткичига пахта ҳосилдорлиги 35,0 центнерни ташкил этганда ва ундан юқори бўлгандагина эришилмоқда. Юқоридаги

фикримизни **асослаш мақсадида** бугунги кундаги молиявий-иқтисодий шартшароитларда пахтачилик тармоғи учун рентабелликнинг мақбул **35,0 фоизлик** меъёрида нисбий самарадорлик кўрсаткичларини **келтирамиз**:

$$25 \text{ ц/га: } 1536,8 / 2600 : 0,25 / 0,35 = 0,59 \times 0,714 = 0,42 < 1,0$$

$$30 \text{ ц/га: } 1888,0 / 2600 : 0,28 / 0,35 = 0,72 \times 0,801 = 0,57 < 1,0$$

$$35 \text{ ц/га: } 2690 / 2600 : 0,34 / 0,35 = 1,034 \times 0,971 = 1,01 > 1,0$$

$$0,42 < 0,57 < 1,01$$

Тавсия этилаётган услубиёт бўйича ҳисоб-китоб натижаларидан хулоса қилиш мумкинки, пахтачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида 35,0

центнер ва ундан юқори ҳосилдорликда аниқланган қиёсий самарадорлик коэффициенти бирдан катта бўлмоқда, яъни ҳосилдорликнинг ушбу даражасида фер-

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

мер хўжалигининг ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш тамойилига ўтиб ишланиши ва аъзолар оиласини боқиши учун зарур даражадаги даромадларга эга бўлиши учун молиявий имконият яратилади. Аммо ҳосилдорлик даражаси 25,0 ва 30,0 центнер бўлганда, юқоридаги қиёсий самарадорлик бўйича белгиланган талаб бажарилмайди. Ушбу вариантларда моддий ва молиявий омиллардан фойдаланиш самарадорлиги қўрсаткичлари паст бўлиб, фермер хўжалиги аъзоларининг олган даромадлари уларнинг турмуш шароити учун етарли бўлиши ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш зарурияти шартларига жавоб бермайди. Ҳосилдорлик бўйича оптимал ўлчамни белгилашда 35,0 центнерлик қўрсаткичининг уёки бу томонга ўзгариши, яъни оптимал ўлчамларни таъминлайдиган ҳосилдорлик даражаси пахта хомашёсини сотиб олиш, жумладан, баҳо тизимини ўзгартириш ёки бозор принципларига мослаш билан боғлангандир.

Юқорида келтирилган назарий мулоҳазалар ва таҳдиллар натижаларидан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, бугунги кундаги хўжалик юритиш амалиёти ва молиявий иқтисодий муносабатлар шароитида фермер хўжалигининг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган ер юкламаси ўзгармаган ҳолда, истеъмол саватчаси қопланиши ҳамда хўжаликнинг бозор тамойиллари ёки кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш талабаридан келиб, ҳосилдорлик даражасининг 35,0 ц/га ва ундан юқори бўлиши оптимал ўлчамдаги пахтачилик фермер хўжаликларини ташкил этиш имконини беради. Акс ҳолда, фермер хўжаликлари ер майдонларининг қанчалик катталаشتарилиши ёки кичиклаштирилиши бошқа ижтимоий муаммолар келиб чиқиши каби ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Манба ва адабиётлар

1. *Фермер хўжаликлиари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларини мақбуллаштириши ҳамда қишлоқ хўжалиги экин ерларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги 14-сон қарори. [Электрон манба]. – Кирish режими: <https://www.lex.uz/>.*
2. *Измоденова Н.К. Оптимизация земельной площади фермерских хозяйств в контексте организационно-экономического механизма развития фермерских хозяйств // Современные научные исследования и инновации. – 2013. – № 9 [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://web.snauka.ru/issues/2013/09/26385/>.*
3. *Кобозев А.А. Эффективность и оптимизация функционирования крестьянских (фермерских) хозяйств в условиях многоукладного сельского хозяйства: Автореф. дисс. ... канд. экон. наук. – Ставрополь, 2012.*
4. *Юсупов Э.Д. Теоретические проблемы оптимизации субъектов аграрного рынка // Повышение эффективности социально-экономической деятельности государства и международных отношений в условиях обеспечения конкурентоспособности Казахстана: материалы международной научно-практической конференции. – Алматы, 2019. – С. 112-116. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://narxoz.kz/ru/event/show/160/>.*
5. *Yusupov E.D. Key problems of agricultural policy: food security and diversification // Journal of Science and Healthcare Exploration (JSHE). – 2019. – May-June. – Vol. 1. – Issue 3. – Pp. 1-8. – ISSN: 2581-8473.*

6. Yusupov E.D. *Theoretical framework for food security and sustainable means of support // International journal of research culture society.* – 2019. – Oct. – Vol. 3. – Issue 10. – Pp. 136-142. – Received on: 13/10/2019. – Accepted on: 23/10/2019. – Publication Date: 31/10/2019. – ISSN: 2456-6683. Impact Factor: 4.526.

7. Yusupov E.D. *Scientific and methodological bases of indicative planning of security of food products of the population: 4 часть // Евразийский союз ученых (ЕСУ).* – 2019. – № 10 (67). – C. 13-16. – ISSN 2411-6467 DOI: 10.31618/ESU.2413-9335.2019.4.67.

8. Yusupov E.D. *Economic nature, features and characteristics of competitiveness of agricultural production // International journal of research culture society.* – 2019. – Nov. – Vol. 3. – Issue 11. –Pp. 191-195. – Received on: 18/11/2019. – Accepted on: 29/11/2019. – Publication Date: 30/11/2019. – ISSN: 2456-6683. Impact Factor: 4.526.

Тақризчи:

Хушматов Н.С., профессор, Қишлоқ хұжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий ишлаб чиқариш маркази бош илмий котиби.